

электр хўжалиги объектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги кўтиллаётган узлишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан огоҳлантириш;

Истеъмолчини электр энергиясини etkazиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиши сабаблари тўғрисида хабардор қилиш;

киритилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни хажми ва вақти кўрсатилган ҳолда олдиндан хабар бериш;

электр энергияси тўлиқ etkazиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги Истеъмолчининг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай кўриб чиқиш, баргараф этиш ва бағайсил жавоб юбориш;

Истеъмолчига ўрнатилган тартибда etkazиб берилган энергия хисобини юритиш;

Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган тақсидларига мувофиқ, ўн кун муддатда электр энергиянинг ойлик шартномавий хажмига ўзгартришлар киритиш, электр энергиянинг ойлик шартномавий миқдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда – истеъмолчига бу ҳақда, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда хабар қилиш;

Истеъмолчидан ўрнатилган хисобга олиш приборларини алмаштириш, ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатишни, шунингдек Бюро билан бирга пломбадашни таъминлаш; сифат кўрсаткичлари давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини etkazиб бериш.

Корхона конунчилиқка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

V. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси конунчилигида белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, Корхона бунинг натижасида etkazилган зарарни қоплашга, "Истеъмолчи" эса etkazилган ҳақикий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. Корхона Истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди агар:

Истеъмолчи электр энергияси истеъмолнинг белгиланган режимига риоя қилмай, электр энергияси истеъмолчи ёки қувватнинг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйганда, худудий электр тармоқлари қорхонаси томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажарилмагани туфайли паст сифатли электр энергияси etkazиб берилганлиги учун;

захира манбан автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда частотани сошлаш билан боғлиқ ўчиришлар вақтида электр энергиясини etkazиб бериш борасидаги танаффуслар учун;

ягона энергетика тизимида қувват танқислиги оқибатида келиб чиқиши мумкин бўлган аварияларни олдини олиш юзасидан тармоқларни автоматик тарзда (УОН, АЧР) ва бошқа ўчиришлар хисобига содир бўлиб, энергияни etkazиб беришдаги танаффуслар юзага келганда; оммавий ахборот воситалари (газета, радио, телевидения, интернет веб сайт ва ижтимоий тармоқлар) орқали электр энергияси etkazиб беришдаги узлишлар тўғрисида хабар ва эълонлар берилганда.

5.3. Корхона Истеъмолчини Бюро кўрсатмасига асосан электр энергиясидан узилганда ёки енгиб бўлмайдиган табиий офатлар ҳамда фавақултда авария ҳолатлари юзага келганда (форс-мажор) Истеъмолчи олдида жавобгар бўлмайди.

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори,

энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юктамали даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи,

энергетика тизимининг энг кўп юктамасининг ўтиш даврида актив энергия (қувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфи.

Бундан ташқари, уланган қуввати 250 кВа ва ундан ортик бўлган истеъмолчилар куйидагиларга мажбур:

махсулот бирлигини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун Энергия сарфининг техник ва иқтисодий жиҳатдан асосланган илгор нормаларини ишлаб чиқиш-умумий ишлаб чиқариш ва технология; яқка тартибдаги ва гуруҳ бўйича; йиллик, чораклик ва ойлик - уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш технологияси тақомиллаштирилиши (ўзгартрилиши) ва янги техника жорий этилишига қараб қайта кўриб чиқиш;

корхона бўйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истеъмолчилар гуруҳлари бўйича Энергия балансларини тузиш ҳамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёнида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш, Энергиянинг самарасиз сарфланиши ва исроф бўлишини аниқлаш, уларни камайтириш ва баргараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

келгуси давр учун Энергияга бўлган эhtiёжни ва электр тармоқларининг энергия ўтказиш қобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини тақомиллаштириш зарурятини аниқлаш мақсадида (махсулот ишлаб чиқаришнинг, бажарилмаган иш турларининг мўлжалланаётган прогност хажмларидан ва Энергия сарфи меъёрларидан келиб чиқиб, уларни камайтириш ва Энергияни тежашни хисобга олган ҳолда) Энергиянинг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

махсулот (ишлар) бирлигига Энергия сарфининг тасдиқланган меъёрларига риоя қилиш ва уларни камайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш; Энергияни тежаш бўйича (йиллик ва узок истиқбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Истеъмолчи конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.3. Корхона куйидаги ҳуқуқларга эга:

Истеъмолчидан Шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини кўрсатган даражасида бажарилишини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда Истеъмолчи томонидан etkazилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда қоплаш;

авария режимда, Бюронинг хабардор қилган ҳолда, Истеъмолчини электр тармоғидан узиб қуйиш;

Бюронинг кўрсатмасига асосан, ҳамда ЭНХАТга уланган ёки энергияга олдиндан ҳақ тўлаш қурилмасига эга хисобга олиш прибори бўлган истеъмолчинин олдиндан тўланган ҳақ тўтаганда электр тармоқларидан узиш.

Корхона конунчилиқка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Мазкур Шартномага асосан Истеъмолчининг электр тармоқларидан узилгандан кейин юзага келган ҳолат учун Корхона ва Бюро жавобгар бўлмайди.

4.4. Корхона куйидагиларга мажбур:

Истеъмолчига энергияни электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлишни чегарасиз Шартномада кўрсатилган хажмда мунтазам etkazиб бериш; ускуналар, электр узатиш линияларини, хисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр хўжалиги объектларидаги носозликларни баргараф қилиш;